

**Қашқадарё вилоят «Агрокимёхимоя» ҳудудий акциядорлик жамияти
акциядорларнинг умумий йиғилиши
Б А Ё Н И № 01/01-У-Й**

2021 йил 30 – июнь.

**Қарши шаҳри Жайхун кўчаси 43 уй
«Агрокимёхимоя» ҚАЖ маъмурий биноси**

**Умумий йиғилиш бошланиш
вақти соат 11:00 да**

Бошланди соат 11:00да

Қашқадарё вилоят «Агрокимёхимоя» ҚАЖнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган умумий овозлари сони 1 075 000 (Бир миллион етмиш беш минг) та.
Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорларнинг эга бўлган овозлар сони 589942 (Беш юз саксон тўққиз минг тўққиз юз қирқ икки) та.

Умумий йиғилиш раиси

К.Максудов

Йиғилиш раёсати “Ўзагрокимёхимоя” АЖнинг ишончли вакили К.Максудов, “Агрокимёхимоя” ҚАЖ директори Ф.Дўстмуродов, жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Холлиев, Жамиятнинг пахта ва ғалла касалликлари, зараркунанда ва хашоратларга курашиш бўлими бошлиғи И.Тошов ва жамият бош ҳисобчиси Х.Каримов.

Умумий йиғилиш котибияти

Ш.Миллиев

Акциядорлар Умумий йиғилишида 589942 та овоз берувчи (оддий) акциялар эгалари қатнашмоқда, бу умумий овоз берувчи (оддий) акциялар сонининг 54,878 фоизини ташкил этади. Умумий йиғилиш ваколат (кворум)ли ҳисобланади.

Санок комиссиясининг 1-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
маърузачи: Умумий йиғилиш раиси К.Максудов
2. Кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.
маърузачи: Умумий йиғилиш раиси К.Максудов
3. Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҚАЖнинг 2020 йил молия хўжалик фаолияти яқунлари юзасидан директор ҳисоботини тасдиқлаш.
маърузачи: жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Холлиев
4. 2020 йил якуни бўйича МЧЖ “НАЗОРАТ АУДИТ” ташқи аудиторлик ташкилоти ҳисоботини тасдиқлаш.
маърузачи: ташқи аудиторлик ташкилот раҳбари Б.Назаров
5. 2020 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
маърузачи: тафтиш комиссияси раиси А.Жўраев
6. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботларини, олинган соф фойда тақсимотини, дивиденд миқдорини ва тўлаш тартибини тасдиқлаш.
маърузачи: Умумий йиғилиш раиси К.Максудов,



7. Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” АЖда 2020 йил учун ташқи аудиторлик текширувини ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
маърузачи: Умумий йиғилиш раиси К.Максудов,
8. Жамият директори ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш
маърузачи: Умумий йиғилиш раиси К.Максудов
9. Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларини фаолият олиб борган даври учун рағбатлантириш.
маърузачи: Умумий йиғилиш раиси К.Максудов
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.05.2021 йилдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активлардан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМ-266-сонли қарорининг 1-3 иловаларда назарда тутилган Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҚАЖнинг унитар корхоналари балансидаги 18 та минерал ўғит тарқатиш шахобчасини вилоят Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқармасига топшириш
маърузачи: Умумий йиғилиш раиси К.Максудов
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 26 май №01/03-1-1317-сонли хатини кўриб чиқиш.
маърузачи: Умумий йиғилиш раиси К.Максудов
12. “NTCS EXTRUSION GROUP” МЧЖ ҚҚнинг 2021 йил 31 май №31/05-сонли мурожаатини кўриб чиқиш.
маърузачи: Жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Ҳоллиев
13. Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” АЖнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.
Умумий йиғилиш раиси К.Максудов
14. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
маърузачи: Умумий йиғилиш раиси К.Максудов
15. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
маърузачи: Умумий йиғилиш раиси К.Максудов

Умумий йиғилишни “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамиятининг ишончли вакили К.Максудов очди.

Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамияти акциядорларини 2020 йил молия хўжалик фаолияти яқунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикасини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 59 – моддасига асосан жамиятни бошқарув ва бошқа органлари ҳисоботларини эшитиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш, айрим ташкилий ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш учун чақирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни 68 – моддаси ва умумий йиғилиш ўтказиш ҳақидаги Низом талабларига асосан умумий йиғилиш кворуми йиғилишни ўтказиш учун етарли эканлигини, умумий йиғилишни бошлашимиз мумкинлигини айтиб ўтди.

К.Максудов ўз сўзида умумий йиғилишни очиш ҳақида кимда қандай таклиф борлигини сўраб, агар ҳеч кимда таклифлар бўлмаса акциядорлардан “умумий йиғилиш очилсин”, - деган таклифни овозга қўйишни, таклифни маъқуллаган йиғилиш қатнашчиларини кўл кўтариб, тасдиқлашларини сўради.

“Ёқлаб” – 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҲАЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишини очик деб эълон қилди.

Хурматли акциядорлар Умумий йиғилиш ишини бошқариб бориш учун йиғилиш ҳайъатини сайлаб олишимиз керак.

Йиғилиш ҳайъатини сони ва таркиби тўғрисида кимда қандай таклиф бор?

Таклиф учун сўз Ш.Миллиевга берилди.

Йиғилиш ҳайъати 5 кишидан иборат бўлиши, йиғилиш ҳайъати аъзолигига “Ўзагрокимёхимоя” АЖнинг ишончли вакили К.Максудов, вилоят “Агрокимёхимоя” ҲАЖ директори Ф.Дўстмуродов, жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Холлиев, Жамиятнинг пахта ва ғалла касалликлари, зараркунанда ва хашпоратларга курашиш бўлими бошлиғи И.Тошов жамият бош ҳисобчиси Х.Каримовларни таклиф қилди.

Умумий йиғилиш ҳайъати тўғрисида бошқа таклифлар борми?

Таклиф овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш ҳайъатига сайланган ўртоқларни ўз жойларини эгаллашларини сўрайман, марҳамат.

Энди йиғилиш раиси ва йиғилиш котибини сайлаб олишимиз керак.

Таклиф учун сўз Э.Тилововга берилди.

Йиғилишни олиб бориш учун йиғилиш раислигига “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамиятининг ишончли вакили К.Максудов, йиғилиш котибиятига Ш.Миллиевни таклиф қиламан.

Таклиф овозга қўйилди.

“Ёқлаб” – 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Энди Умумий йиғилиш кун тартибидаги 1 масала - Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаб олишимиз керак. Умумий йиғилиш регламенти бўйича асосий маърузалар учун 15 минут, бошқа масалалар бўйича ҳисобот ва ахборотлар учун 10 минут, музокараларда сўзга чикувчилар учун 5 минутдан вақт берилиши ҳақида ҳамда санок комиссияси таркибига куйидаги раҳбар ва мутахассисларга таклиф киритмоқчиман.

1. Дадабоев Обид – Жамият бош иқтисодчи
2. Ташев Қодир – Қарши туман унитар корхонаси бош ҳисобчиси;
3. Тилавов Эшпулат - “Кимёгар” ТТБ бош ҳисобчиси

Бошқа таклифлар бўлмаса, ушбу таклифни овозга қўяман.

Овоз бериш натижалари:

“Ёқлаб” – 589942 овоз 100%, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги 1 – масала юзасидан
Қ А Р О Р Қ И Л А Д И**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламенти бўйича хар бир кун тартибидаги масалалар учун 5 минутдан 15 минутгача вақт берилсин.

Санок комиссияси таркибига куйидагилар тасдиқлансин.

1. Дадабоев Обид – Жамият бош иқтисодчи

2. Ташев Қодир – Қарши туман унитар корхонаси бош ҳисобчиси;
3. Тилавов Эшпулат - “Кимёгар” ТТБ бош ҳисобчиси

Йиғилиш кун тартибидаги 2- масала юзасидан

Кун тартибидаги масала жамият кузатув кенгаши аъзоси ҳамда акциядорлар умумий йиғилиш раиси К.Максудов томонидан 2020 йил 30 сентябрдан 2021 йил 30 июнга қадар жами бўлиб 8 та кузатув кенгаши мажлиси ўтказилганлиги, шундан 4 та мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январ кундаги 3202-сонли Фармони талабларига асосан ҳар чорақда, жамият бошқарув раисининг бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботлари кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганлиги ҳамда жамият бошқарувига ижро этиш учун тегишли қарорлар қабул қилинганлиги ва мунтазам назоратга олинганлиги ҳақидаги ҳисоботи ўқиб эшиттирилди ҳамда акциядорлардан ушбу масалага ўз муносабатларини овоз бериш бюллетени орқали билдиришлари таклиф этилди.

(Ҳисобот илова қилинади).

Овоз бериш натижалари:

“Ёқлаб” – 589942 овоз 100%, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ

Умумий йиғилиш кун тартибидаги 2 – масала юзасидан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

Жамият кузатув кенгаши раисининг 2020 йил давомида бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Йиғилиш кун тартибидаги 3 – масала юзасидан 2020 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича “Агрокимёхимоя” ҲАЖ директори ҳисоботи жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Холлиев томонидан ўқиб эшиттирилди ва тингланди.

(Жамият директорининг ҳисоботи илова қилинади)

Овоз бериш натижалари:

“Ёқлаб” – 589942 овоз 100%, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ

Умумий йиғилиш кун тартибидаги 3 – масала юзасидан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҲАЖнинг 2020 йил молия хўжалик фаолияти якунлари юзасидан директор ҳисоботи тасдиқлансин.

Йиғилиш кун тартибидаги 4 - масала юзасидан жамият 2020 йил якуни бўйича МЧЖ “НАЗОРАТ АУДИТ” АТ раҳбари Б.Назаровнинг ҳисоботи эшитилди.

Жамиятни 2020 йил молиявий хўжалик фаолиятини якуни бўйича МЧЖ “НАЗОРАТ АУДИТ” АТ томонидан жамият ва унинг тизимидаги филиаллар аудиторлик текширувдан ўтказилган, жамиятни 2020 йилги молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича **512 556,0** минг сўмлик соф фойда олинганлиги тўғрисида хулоса берилган бўлиб, аудиторлик ташкилотининг фикрича, хўжалик юритувчи субъект Қашқадарё вилояти “Агрокимёхимоя” худудий акциядорлик жамиятининг 2020 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ келишини маълум қилди.

Овоз бериш натижалари:

акс

“Ёқлаб” – 589942 овоз 100%, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги 4 – масала юзасидан
Қ А Р О Р Қ И Л А Д И**

2020 йил якуни бўйича МЧЖ “НАЗОРАТ АУДИТ” АТ ҳисоботи тасдиқлансин.

Йиғилиш кун тартибидаги 5 - масала юзасидан жамиятнинг 2020 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг аъзоси А.Жўраев ҳисоботи.

Тафтиш комиссиясининг раиси А.Жўраев қатнашмаганлиги сабабли ҳисобот жамиятнинг иктисод булимининг бош мутахассиси Ш.Умиров томонидан ўқиб эшиттирилди: (Ҳисобот илова қилинди).

Овоз бериш натижалари:

“Ёқлаб” – 589942 овоз 100%, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги 5 – масала юзасидан
Қ А Р О Р Қ И Л А Д И**

2020 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги 6 – масала юзасидан Акциядорлар умумий йиғилиш раиси К.Максудов томонидан МЧЖ “АУДИТ ХИСОБ МАРКАЗИ” аудиторлик ташкилоти хулосасида жамият томонидан 2020 молиявий йил якуни бўйича **512 556,0** минг.сўм соф фойда ўз тасдиғини топганлигини инобатга олиб, 2020 йил 07 июндаги кузатув кенгаши мажлисида қуйидаги тақсимот маъқулланганлиги ва умумий йиғилишда тасдиқлаш учун қарор қабул қилинганлиги маълум қилинди ва (иловага мувофиқ) қуйидаги тақсимот акциядорлар ҳукмига ҳавола этилди:

дивиденд тўловларига 50 фоиз – 256 278,0 минг сўм;

ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига 20 фоиз – 102 511,2

захира фондига 5 фоиз – 25 627,8 минг сўм;

директор фондига 1 фоиз – 5 125,6 инг сўм;

кузатув кенгаши аъзолари ва кузатув кенгашининг котибини рағбатлантириш учун 15 фоиз – 76 883,4 минг сўм;

ижро органи аъзоларини рағбатлантириш учун 7 фоиз – 35 878,9 минг сўм;

тафтиш комиссия аъзолари учун 2 фоиз – 10 251,1 минг сўм;

1 дона оддий акцияга дивиденд миқдори 238.4 сўмни ташкил қилади. Дивидендлар пул кўчириш шаклида ва бошқа қонунда таъқиқланмаган шаклда умумий йиғилишда тасдиқлангандан сўнг 60 кун давомида тўланиши таъкидлаб ўтилди.

Акциядорлар умумий йиғилиш раиси К.Максудов акциядорларга “Агрокимёҳимоя” ХАЖнинг 2020 йил балансини ва олинган соф фойдасини тасдиқлаш, дивидент миқдорини белгилаш бюлетенга киритилганлигини маълум қилиб, акциядорлардан умумий йиғилиш кун тартибидаги 6 – масала юзасидан ўз муносабатларини билдириб овоз беришларини сўради.

Овоз бериш натижалари:

“Ёқлаб” –589942 овоз 100%, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги 6- масала юзасидан
Қ А Р О Р Қ И Л А Д И**

- Жамиятни 2020 йил якуни бўйича тузилган баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.

- 2020 йил якуни бўйича жамият томонидан олинган соф фойдани қўйидагича тақсимланиши тасдиқлансин.

дивиденд тўловларига 50 фоиз – 256 278,0 минг сўм; .

ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига 20 фоиз – 102 511,2

захира фондига 5 фоиз – 25 627,8 минг сўм;

директор фондига 1 фоиз – 5 125,6 минг сўм;

кузатув кенгаши аъзолари ва кузатув кенгашининг котибини рағбатлантириш учун 15 фоиз – 76 883,4 минг сўм;

ижро органи аъзоларини рағбатлантириш учун 7 фоиз – 35 878,9 минг сўм;

тафтиш комиссия аъзолари учун 2 фоиз – 10 251,1 минг сўм;

1 дона оддий акцияга дивиденд миқдори 238.4 сўмни ташкил қилади. Дивидендлар пул қўчириш шаклида ва бошқа қонунда таъқиқланмаган шаклда умумий йиғилишда тасдиқлангандан сўнг 60 кун давомида тўланиши таъкидлаб ўтилди.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги 7 – масала Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ХАЖда 2021 йил учун ташқи аудиторлик текширувини ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси К.Максудов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2021 йил 25 май куни “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича” ўтказилган йиғилишида “Ўзагрокимёхимоя акциядорлик жамияти тугатилиб, унинг ваколат ва вазифаларини бошқа тузилмаларга ўтказиш таклифи маъқулланди.

Шунга кўра Республикада “Ўзагрокимёхимоя акциядорлик жамияти ва тизим ташкилотларини тугатиш, унинг ваколат ва вазифаларини бошқа тузилмаларга ўтказиш бўйича тегишли қарор лойихаси ишлаб чиқиладиганлигини маълум қилиб 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий ва ҳалқаро аудит стандарти талаблари асосида текшириш учун янги қарор лойихаси ишлаб чиқилганидан кейин кўриб чиқилишини билдирди.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги 7 - масала юзасидан Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

Жамият акциядорларининг кўпчилик овози (йиғилиш кворумининг 100 фоизини ташкил қилган, 589942 та акция эгалари) билан, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий ва ҳалқаро аудит стандарти талаблари асосида текшириш учун “Ўзагрокимёхимоя” АЖ тизими тўғрисида янги қарор лойихаси ишлаб чиқилганидан кейин навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибига киритиш кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги 8 - масала юзасидан “Ўзагрокимёхимоя” АЖ нинг ишончли вакили, йиғилиш раиси К.Максудов сўзга чиқиб Жамият уставига мувофиқ жамият бошқаруви таркиби 5 нафардан иборат бўлиб жамият директори Ф.О.Дўстмуродов аъзолари жамият директор ўринбосари Ш.Қаршиев, жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Холлиев, жамиятнинг бош ҳисобчиси Х.Каримов ҳамда жамиятнинг бош ҳуқуқшуноси О.Абдирахмановларни ушбу соҳада кўп йиллик тажрибалари борлигини билдириб, улар билан навбатдаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қадар 1 йил муддатга шартнома тузиш юзасидан йиғилиш раисининг маърузаси тингланди ва ушбу масалага овоз бериш бюллетени орқали ўз муносабатларини билдиришлари акциядорлар ҳукмига ҳавола этилди.

Овоз бериш натижалари:

“Ёқлаб” – 589942 овоз 100%, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги 8- масала юзасидан
Қ А Р О Р Қ И Л А Д И**

Жамият ижро органи раҳбари этиб, жамият директори Ф.О.Дўстмуродов аъзолари жамият директор ўринбосари Ш.Қаршиев, жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Холлиев, жамиятнинг бош ҳисобчиси Х.Каримов ҳамда жамиятнинг бош ҳуқуқшуноси О.Абдирахмановларнинг номзодлари сайланганлиги тасдиқлансин ва улар билан навбатдаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кунига қадар (бир йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга) меҳнат шартномасини тузиш кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги 9 - масала юзасидан: Қашқадарё вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларини фаолият олиб борган даври учун рағбатлантириш” бўйича жамият Кузатув кенгаши аъзоси йиғилиш раиси К.Мақсудов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши белгиланган. Шунингдек, юқоридаги қонуннинг 59-моддасига ва жамият уставига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш жамият кузатув кенгаши ваколатига кириши кўрсатилган. Шу билан бирга, юқоридаги қонуннинг 74-моддасига мувофиқ, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкинлиги, бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланиши ва қонуннинг 75-моддасига мувофиқ, жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киришини белгиланганлиги ҳақида гапириб ўтди.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси йиғилиш раиси К.Мақсудов жамият Кузатув кенгаши раиси ва котиби ҳамда кузатув кенгаши аъзоларига тенг миқдорда тақсимлашни тавсия қилди.

Қашқадарё вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг фаолият олиб борган даври учун ажратилган 76 883 400 (етмиш олти миллион саккиз юз саксон уч минг турт юз) сўм рағбатлантиришни қуйидагича тақсимлаш, яъни Кузатув кенгаши раиси С.Каримов, Кузатув кенгаши котиби Ш.М.Миллиев, кузатув кенгаши аъзолари К.Мақсудов, З.Мирзажонов, У.Боллиев, М.Қорабоев, М.Мамутов, Э.Тиловов, Х.Раджабов ҳамда З.Маматовларнинг ҳар бирига 7688340,0 (етти миллион олти юз саксон саккиз минг уч юз қирқ) сўмдан рағбатлантириш ҳисоблаш, тафтиш комиссияси аъзоларини соф фойданинг 2 фоизи ёки 10 251,1 минг сўм ажратилган бўлиб тафтиш комиссияси раисига 6 (олти миллион) сўм аъзоларига 2125560 (икки миллион бир юз йигирма беш минг беш юз олтмиш) сўмдан рағбатлантириш, Ижроия органи аъзоларининг фаолият олиб борган даври учун ажратилган 35878920 (ўттиз беш миллион саккиз юз етмиш саккиз минг тўққиз юз йигирма) сўм маблағни ижроия органи раиси Ф.Дўстмуродов, аъзолари, жамият директор ўринбосари Ш.Қаршиев, жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Холлиев, жамият бош

хисобчиси Х.Каримов ва жамият бош юрист консулти О.Абдирахмановларга 7175784 (етти миллион бир юз етмиш беш минг етти юз саксон тўрт) сўмдан рағбатлантириш мақсадга мувофиқлигини билдираман.

“Ёқлаб” –589942 овоз 100%, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги 9 - масала юзасидан
Қ А Р О Р Қ И Л А Д И**

Қашқадарё вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг фаолият олиб борган даври учун ажратилган 76 883 400 сўм рағбатлантиришни қуйидагича тақсимлансин, яъни Кузатув кенгаши раиси С.Каримов, Кузатув кенгаши котиби Ш.М.Миллиев, кузатув кенгаши аъзолари К.Максудов, З.Мирзажонов, У.Боллиев, М.Қорабоев, М.Мамутов, Э.Тиловов, Х.Раджабов ҳамда З.Маматовларнинг ҳар бирига 7688340 (етти миллион олти юз саксон саккиз минг уч юз қирқ) сўмдан рағбатлантириш ҳисоблансин, тафтиш комиссияси аъзоларини соф фойданинг 2 фоизи ёки 10 251,1 минг сўм ажратилган бўлиб тафтиш комиссияси раисига 6 млн.(олти миллион)сўм аъзоларига 2125560 (икки миллион бир юз йигирма беш минг беш юз олтимиш) сўмдан рағбатлантирилсин, Ижроия органи аъзоларининг фаолият олиб борган даври учун ажратилган 35878920 (ўттиз беш миллион саккиз юз етмиш саккиз минг тўққиз юз йигирма) сўм маблағни ижроия органи раиси Ф.Дўстмуродов, аъзолари жамият директор ўринбосари Ш.Қаршиев, жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Холлиев, жамият бош хисобчиси Х.Каримов ва жамият бош юрист консулти О.Абдирахмановларга 7175784 (етти миллион бир юз етмиш беш минг етти юз саксон тўрт) сўмдан рағбатлантирилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги 10 - масала юзасидан Жамият кузатув кенгаши аъзоси йиғилиш раиси К.Максудов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.05.2021 йилдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активлардан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМ-266-сонли қарорининг 1-3 иловаларда назарда тутилган Қашқадарё вилоят “Агрокимёҳимоя” ХАЖнинг унитар корхоналари балансидаги 18 та минерал ўғит тарқатиш шахобчасини вилоят Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқармасига топшириш белгиланган.

Ўз навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2021 йил 25 май кун “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича” ўтказилган йиғилишида “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ тугатилиб, унинг ваколат ва вазифаларини бошқа тузилмаларга ўтказиш учун Ҳукуматнинг қарорлари ишлаб чиқарилаётганлиги ҳамда мазкур йиғилишда “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва унинг тизим ташкилотларининг мавжуд бинолари, мол-мулки ва техникаларини хатловдан ўтказиш ҳамда хатлов якуний натижалари асосида барча мол-мулк ва техникаларини белгиланган йўналишлар бўйича тақсимлаб берилиши юзасидан Бош вазир ўринбосари бошчилигидаги республика комиссиясига тегишли топшириқлар берилганлигини маълум қилинди.

Ўзагрокимёҳимоя” АЖ фаолиятини тугатиш бўйича Ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи томонидан 2021 йил 22 май №01/03-1-1294 сонли хатида сўралган 18 та минерал ўғит тарқатиш шахобчаларини хатлов қилиш ва топшириш-қабул қилиш ишларини амалга ошириш масаласи кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди ва овозга қўйилди.

“Ёқлаб” – йўқ, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” –589942 овоз 100%,

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги 10 - масала юзасидан
Қ А Р О Р Қ И Л А Д И**

1. “Ўзагрокимёхимоя” АЖ фаолиятини тугатиш бўйича Ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи томонидан 2021 йил 22 май №01/03-1-1294 сонли хатида сўралган 18 та минерал ўғит тарқатиш шахобчаларини хатлов қилиш ва топшириш-қабул қилиш ишларини амалга ошириш масаласи кўриб чиқилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги 11 - масала юзасидан Жамият кузатув кенгаши аъзоси, йиғилиш раиси К.Максудов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 26 май №01/03-1-1317-сонли хатини кўриб чиқиб.

“TOURISM GLOBAL CENTER” МЧЖнинг Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига йўллаган 2021 йил 21 апрелдаги 21/04-2021-1-сонли мурожаатида Қашқадарё вилояти “Агрокимёхимоя” ХАЖ балансидаги Қашқадарё вилоят Китоб туманида жойлашган “Кимёгар” болалар оромгоҳини ўрнатилган тартибда сотиб олинишида амалий ёрдам сўраган.

“Агрокимёхимоя” АЖнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги”ги Қонунга асосан мувофиқлаштирилади.

Мазкур қонуннинг 58-моддасига асосан жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори органидир деб таъкидлаб ўтилган.

Ўз навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2021 йил 25 май куни “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича” ўтказилган йиғилишида “Ўзагрокимёхимоя” АЖ тугатилиб, унинг ваколат ва вазифаларини бошқа тузилмаларга ўтказиш учун Ҳукуматнинг қарорлари ишлаб чиқарилаётганлиги ҳамда мазкур йиғилишда “Ўзагрокимёхимоя” АЖ ва унинг тизим ташкилотларининг мавжуд бинолари, мол-мулки ва техникаларини хатловдан ўтказиш ҳамда хатлов якуний натижалари асосида барча мол-мулк ва техникаларини белгиланган йўналишлар бўйича тақсимлаб берилиши юзасидан Бош вазир ўринбосари бошчилигидаги республика комиссиясига тегишли топшириқлар берилганлигини маълум қилинди.

Шунга кўра, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ фаолиятини тугатиш бўйича Ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи томонидан 2021 йил 26 май №01/03-1-1317- сонли хатида сўралган Қашқадарё вилоят Китоб туманида жойлашган “Кимёгар” болалар оромгоҳини “TOURISM GLOBAL CENTER” МЧЖга сотиш масаласи кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди ва овозга қўйилди.

“Ёқлаб” – йўқ, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” –589942 овоз 100%,

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги 11 - масала юзасидан
Қ А Р О Р Қ И Л А Д И**

1. “Ўзагрокимёхимоя” АЖ фаолиятини тугатиш бўйича Ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи томонидан 2021 йил 26 май №01/03-1-1317- сонли хатида сўралган Қашқадарё вилоят Китоб туманида жойлашган “Кимёгар” болалар оромгоҳини “TOURISM GLOBAL CENTER” МЧЖга сотиш масаласи кўриб чиқилсин.

Йиғилиш кун тартибдаги 12 – масала юзасидан жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Холлиев сўзга чиқиб, “NTCS EXTRUSION GROUP” МЧЖ қўшма корхонаси билан “IFODA AGRO KIMYO NIHOYA” МЧЖ қўшма корхона 2021 йилда тасдиқланган “Низом” ҳамда жамиятнинг таъсис шартномасига кура биргаликда иш фаолияти юритиб келаётганлигини тўғрисида ёзма мурожаатини ўқиб эшиттирди.

“IFODA AGRO KIMYO NIHOYA” МЧЖ қўшма корхонаси ва Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҲАЖ ва унинг туман унитар корхоналари ўртасида “маҳсулот етказиб бериш тўғрисида” шартномалар имзоланиб, “IFODA AGRO KIMYO NIHOYA” МЧЖ қўшма корхонаси томонидан туман унитар корхоналаримизга маҳсулот етказиб берган. Ҳозирда олинган маҳсулотларга нисбатан “IFODA AGRO KIMYO NIHOYA” МЧЖ қўшма корхонасидан Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҲАЖ ва унинг туман унитар корхоналарининг қарздорлиги 6 234 104 минг (олти миллиард икки юз уттиз тўрт миллион бир юз тўрт минг) сўмни ташкил этишини маълум қилди.

“IFODA AGRO KIMYO NIHOYA” МЧЖ қўшма корхонаси 2021 йил 26 май куни №723/01-хат билан мурожаат қилиб, тегишли тартибда ушбу қарздорлик ва тўлов кечиктирилганлиги учун хисобланган пеня ундириш юзасидан Наманган туманлараро Иқтисодий судга даъво ариза тақдим этишини билдирган. Суд томонидан қарздорлигимизни шартнома шартлари бажарилмаганлигини билдириб шартномага асосан Жамиятнинг асосий қарздорлигидан ташқари муддати ўтган хар бир куни учун 0.4% миқдорда пеня яъни туланмаган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги кўрсатилган бўлсада, Жамиятнинг, “IFODA AGRO KIMYO NIHOYA” МЧЖ ҚК олдидаги қарздорлиги 6 234 104 минг сўмни ташкил этиб, қарздорликнинг 50 фоизи 3 млрд сўмдан кўпроқ пеняни ташкил этади. Бундан ташқари суд органлари учун 2% миқдорда (124 682 080 сўм) давлат божи туланиши лозим бўлади. Бу эса жамиятнинг “IFODA AGRO KIMYO NIHOYA” МЧЖ ҚК олдидаги асосий қарздорлигидан ташқари қўшимча 3 124 682 080 сўм жамиятга зарар келтиришини айтиб ўтди.

“NTCS EXTRUSION GROUP” МЧЖ қўшма корхонаси ва Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҲАЖ Муборак туман унитар корхоналари ўртасида 2020 йил 29 апрель куни умумий ер майдони 2.81 га (икки гектар саксон бир сотиқ, бундан 7452.13 кв.метр омборхона бино-иншоатларини ташкил этади) бўлган кўчмас мулкга №16-сонли “Бўлиб тулаш шarti билан тузилган олди-сотди” шартномаси имзоланиб, ушбу шартноманинг 5.(Форс-мажор) бандига асосан 2020 йил 18 декабрь куни №16-сонли бўлиб тулаш шarti билан тузилган олди-сотди шартномасига қўшимча келишув шартномаси тузилиб, шартномага кўра Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҲАЖ Муборак туман унитар корхонасига “NTCS EXTRUSION GROUP” МЧЖ қўшма корхонаси 30.06.2021 йилдан 30.09.2022 йилга қадар жами 9 892 025 358 (туққиз миллиард саккиз юз туқсон икки миллион йигирма беш минг уч юз эллик саккиз) сўмни шартноманинг 2.1.иловасига асосан бўлиб тулаш мажбуриятини олган.

Шунга кўра Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҲАЖ ва унинг туман унитар корхоналари томонидан “IFODA AGRO KIMYO NIHOYA” МЧЖ қўшма корхонасидан 6 234 104 минг (олти миллиард икки юз уттиз тўрт миллион бир юз тўрт минг) сўм қарздорлигини “NTCS EXTRUSION GROUP” МЧЖ ҚК билан “IFODA AGRO KIMYO NIHOYA” МЧЖ ҚК таъсисчилик асосида биргаликда фаолият олиб бораётганлигини инобатга олиб, “NTCS EXTRUSION GROUP” МЧЖ ҚКнинг Қашқадарё вилоят “Агрокимёхимоя” ҲАЖ Муборак туман унитар корхонасидан 9 892 025 358 (туққиз миллиард саккиз юз туқсон икки миллион йигирма беш минг уч юз эллик саккиз) сўм қарздорликни белгиланган тартиб қоидаларга асосан камайтириш таклифини билдирди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги 12- масала юзасидан
ҚАРОР ҚИЛАДИ**

Жамият директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Ю.Холлиев хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

“IFODA AGRO KIMYO HIMOYA” МЧЖ қўшма корхонасининг 2021 йил 26 май куни №723/01-сонли ҳамда “NTCS EXTRUSION GROUP” МЧЖ ҚҚнинг 2021 йил 31 май №31/05-сонли мурожаатларини белгиланган тартибда ижросини таъминлаш жамият ижро органи томонидан амалга оширилишига розилик берилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги 13 – масала юзасидан Жамият кузатув кенгаши аъзоси К.Максудов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.10.2016 йилдаги "Ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2640-сонли қарорига, "O'zagrokimyohimoya" АЖ ягона акциядорининг 2017 йил 13 февралдаги йиғилиш баёнига биноан собиқ "Қишлоқхужаликкимё" ХАЖнинг туман ва туманлараро бўлимлари, шунингдек, ўсимликларни химоя қилиш туман отрядлари негизда "Агрокимёхимоя" худудий акциядорлик жамиятлари ташкил этилиши белгилаб қўйилганлиги, ўз навбатда, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитасининг Қашқадарё вилоят худудий бошқармаси томонидан Қашқадарё вилоят "Ўсимликларни химоя қилиш маркази ва унинг қуйи ташкилотлари"нинг мол-мулклари "Ўзагрокимёхимоя" АЖнинг устав фондига берилиши бўйича тегишли буйруғи расмийлаштирилган.

Шунга кўра жамият томонидан номинал қиймати 1233(Бир минг икки юз ўттиз уч) сўм бўлган, жами 125 952 (Бир юз йигирма беш минг тўққиз юз эллик икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз(нақдсиз) акциялар чиқарилган.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг Қашқадарё вилоят худудий бошқармасининг 26.02.2021 йил №Д0116-7-сонли қарори билан қўшимча акция чиқарилиб "Ўзагрокимёхимоя" АЖнинг улуши 125952 дона акция номинал қиймати 1233 сўм жами 155 298 816 сўмга оширилганлиги сабабли Қашқадарё вилоят "Агрокимёхимоя" ХАЖнинг низоми янги тахрирда ўзгартиришини билдирди.

“Ёқлаб” –589942 овоз 100%, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги 13 - масала юзасидан
ҚАРОР ҚИЛАДИ**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги ва қонунга ҳамда Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг Қашқадарё вилоят худудий бошқармасининг 26.02.2021 йил №Д0116-7-сонли қарори билан чиқарилган қўшимча акция ҳисобига "Ўзагрокимёхимоя" АЖнинг улуши 125952 дона акция номинал қиймати 1233 сўм жами 155 298 816 сўмга оширилганлиги сабабли жамиятнинг янги тахрирдаги Устави (иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Йиғилиш кун тартибидаги 14 – масала юзасидан йиғилиш раиси К.Максудов жамият уставида Кузатув кенгаши аъзолари 9 (Тўққиз) кишидан иборат эканлиги ҳақида гапириб ўтди ва жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар билан таништирди ҳамда ушбу номзодларни кумулятив овоз бериш йўли орқали сайлаш лозимлигини айтди:

1. Каримов Сухбатилло - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ Боқарма бошлиғи;
2. Мақсудов Козим - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ Хизмат бошлиғи;
3. Мирзажонов Зиёвуддин - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ Бош мутахассис;
4. Мамутов Маматрасул - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ бош мутахассис;

5. Корабоев Мақсад - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ бош мутахассис;
6. Боллиев Улуғбек - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ бош мутахассис;
7. Расулов Аббосхон – “Diamond Age Russian Investments Limited” раҳбари;
8. Абдужаббарова Гулноза - ИП ООО “СІМ Investments Management” вакили;
9. Раджабов Ҳусан – Акциядор;
10. Маматов Зокир – Акциядор;
11. Тилолов Эшпулат – Акциядор;

Мазкур номзодларга овоз бериш юзасидан умумий йиғилиш раиси К.Максудов, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 76-моддасида ҳамда жамият уставида кузатув кенгаши аъзолари сони тўққиз кишидан, тафтиш комиссияси аъзолари сони уч кишидан иборат бўлиши тўғрисида жамият акциядорларига уқтириб ўтди.

Мазкур таклифлар овозга қўйилди.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги 14- масала юзасидан Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 63-моддасига асосланган ҳолда, жамиятнинг 2021 йил давомида кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар рўйхати сайлансин.

1. Каримов Сухбатилло - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ вакили; “Ёқлаб” – 589942 кумулятив овоз;
2. Мақсудов Козим - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ вакили; “Ёқлаб” – 589942 кумулятив овоз;
3. Мирзажонов Зиёвуддин - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ вакили; “Ёқлаб” – 589942 кумулятив овоз;
4. Мамутов Маматрасул - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ вакили; “Ёқлаб” – 589942 кумулятив овоз;
5. Корабоев Мақсад - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ вакили; “Ёқлаб” – 589942 кумулятив овоз;
6. Боллиев Улуғбек - “Ўзагрокимёхимоя” АЖ вакили; “Ёқлаб” – 589942 кумулятив овоз;
7. Расулов Аббосхон – “Diamond Age Russian Investments Limited” раҳбари; “Ёқлаб” – 0.0 кумулятив овоз;
8. Абдужаббарова Гулноза - ИП ООО “СІМ Investments Management” вакили; “Ёқлаб” – 0.0 кумулятив овоз;
9. Раджабов Ҳусан – Акциядор; “Ёқлаб” – 589942 кумулятив овоз;
10. Маматов Зокир – Акциядор; “Ёқлаб” – 589942 кумулятив овоз;
11. Тилолов Эшпулат – Акциядор; “Ёқлаб” – 589942 кумулятив овоз;

Йиғилиш кун тартибидаги 15 - масала юзасидан йиғилиш раиси К.Максудов сўз олиб, жамият тафтиш комиссияси аъзолигига Сағдиев Хабибулло («Ўзагрокимёхимоя» АЖ бош мутахассис), Н.Исломов (иқтисодчи), Хайдаров Жамил (ҳисобчи) ларнинг номзоди жамият Кузатув Кенгаши томонидан таклиф қилинганлигини маълум қилиб, акциядорлардан берилган таклиф юзасидан ўз фикрларини бюллетенга кумулятив овоз бериш йўли билан маълум қилишларини сўради.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги 15- масала юзасидан Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

Жамиятни тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидаги раҳбар ва мутахассислар сайлансин:

1. Сағдиев Хабибулло «Ўзагрокимёхимоя» АЖ бош мутахассис “Ёқлаб” – 589942 та кумулятив овоз;
2. Нодир Исломов “иқтисодчи” “Ёқлаб” – 589942 та кумулятив овоз.
3. Хайдаров Жамил “ҳисобчи” “Ёқлаб” – 589942 та кумулятив овоз.

Юқорида қабул қилинган қарорни ҳар бир бандини ўрнатилган тартибда ижросини таъминлаш жамият бошқаруви зиммасига юклатилсин.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилгандан сўнг 2020 молиявий йил якунига бағишланган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси:



К.Максудов

Йиғилиш котибияти:



Ш.Миллиев